

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА  
ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**319** Оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектларда ён-  
гин хавфсизлигига, тез тиббий ёрдам кўрсатишга,  
эвакуацияга ва химоялаш бўйича муҳандислик-техник воси-  
талар билан жиҳозлашга қўйиладиган ягона талаблар ҳамда  
уларга риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш тартиби  
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил  
23 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2596*

Оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектларда ёнгин хавфсизлигига, тез тиббий ёрдам кўрсатишга, эвакуацияга ва химоялаш бўйича муҳандислик-техник воситалар билан жиҳозлашга қўйиладиган ягона талабларни белгилаш ҳамда уларга риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектларда ёнгин хавфсизлигига, тез тиббий ёрдам кўрсатишга, эвакуацияга ва химоялаш бўйича муҳандислик-техник воситалар билан жиҳозлашга қўйиладиган ягона талаблар ҳамда уларга риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ички ишлар вазири**

**А. АХМЕДБАЕВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 17 июнь,  
22-сон

**Фавқулодда  
вазирлар вазири**

**Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 17 июнь,  
7-сон

**Соғлиқни сақлаш вазири**

**А. АЛИМОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 17 июнь,  
11-сон

**Давлат архитектура ва қурилиш  
қўмитаси раиси**

**Б. ЗОКИРОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 17 июнь,  
4-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазирлар  
вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги,  
Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси-  
нинг 2014 йил 17 июндаги 22, 7, 11 ва  
4-сон қарорига  
ИЛОВА

**Оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектларда ёнғин  
хавфсизлигига, тез тиббий ёрдам кўрсатишга, эвакуацияга ва  
ҳимоялаш бўйича муҳандислик-техник воситалар билан  
жиҳозлашга қўйиладиган ягона талаблар ҳамда уларга  
риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш  
тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектларда ёнғин хавфсизлигига, тез тиббий ёрдам кўрсатишга, эвакуацияга ва ҳимоялаш бўйича муҳандислик-техник воситалар билан жиҳозлашга қўйиладиган ягона талаблар ҳамда уларга риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида омма-

вий тадбирлар ўтказиладиган объектлар маъмурияти, ташкилотчилари ва иштирокчилари учун мажбурийдир.

2. Мазкур Низом талаблари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари бажарилишини истисно этмайди.

### **2-боб. Ёнғин хавфсизлигига қўйиладиган талаблар**

3. Оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш Одамлар оммавий бўладиган объектлар учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига (рўйхат рақами 354, 1997 йил 8 июль) мувофиқ амалга оширилиши керак.

4. Оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектлар:

технологик ва муҳандислик асбоб-ускуналари, ёнғинга қарши ҳимоя тизими ва воситалари, ёнғинга қарши сув таъминоти манбалари (гидрантлар, резервуарлар, сув ҳавзалари, ички ёнғин ўчириш жўмраклари), ёнғин ўчириш техникаси, ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари билан жиҳозланган бўлиши;

оммавий тадбир ўтказиладиган объектлардаги ёнғин ўчириш автоматика воситалари, эвакуация қилиш йўллари кўрсатиш ва ҳаракатланиш белгилари, тутун тортиш ва авария ёритиш тизимлари соз бўлиши;

оммавий тадбир ўтказиладиган объектларда ёнғинни ўчиришда фойдаланиладиган захира сув манбалари, стационар зиналар ва ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситаларига олиб борувчи йўллар доимо бўш, соз ва тозаланган ҳолатда бўлиши лозим.

### **3-боб. Тез тиббий ёрдам кўрсатишга қўйиладиган талаблар**

5. Оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектларда тез тиббий ёрдам кўрсатиш тадбирнинг тури, иштирокчилар сони, объект тури ва давомийлик вақтини инobatга олган ҳолда ташкиллаштирилиши керак.

6. Оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектларда тез тиббий ёрдам кўрсатиш жойлари оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектлар маъмурияти томонидан таъминланиши зарур.

7. Тез тиббий ёрдам соғлиқни сақлаш тизимининг махсус тез тиббий ёрдам хизмати томонидан амалга оширилиши лозим.

### **4-боб. Эвакуация ва ҳимоялаш бўйича муҳандислик-техник воситалар билан жиҳозлашга қўйиладиган талаблар**

8. Оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектларда иштирокчиларнинг объект ҳудуди бўйлаб ҳаракатини ташкил этиш, трибуналарни тўлдириш ва эвакуация қилиш йўллари, чипта кассалари, овқатланиш пунктлари, гардероблар, дам олиш, тез тиббий ёрдам кўрсатиш жойлари, ёнғинни ўчириш-

нинг бирламчи воситалари ва уларнинг жойлашиши схемалари мавжуд бўлиши керак.

9. Муҳандислик ва қурилиш конструкциялари, техник тизимларнинг ишончилиги ва барқарорлиги, иштирокчиларни эвакуация қилиш йўллари-нинг белгиланган нормативларга мувофиқлиги оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектлар маъмурияти томонидан таъминланиши зарур.

10. Оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектлардаги барча муҳандислик ва ёритиш тизимларининг узлуксиз ишлаши оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектлар маъмурияти томонидан таъминланади.

11. Оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектларнинг эвакуация қилиш йўллари ва объектлардан чиқиш жойларида огоҳлантирувчи белгилар ўрнатилиши лозим.

12. Оммавий тадбирлар иштирокчилари фавқулодда вазиятлар юзага келганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари кўрсатмасига асосан ҳаракат қилишлари зарур.

13. Оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектлар ҳудудига олиб кирувчи йўлларда махсус транспорт воситаларининг эркин кириб-чиқиши учун махсус йўлақлар ажратилиши керак.

14. Оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектлар ва унга туташ ҳудудларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектлар маъмурияти томонидан стационар фото ва видеокузатув тизимлари ўрнатилиши мумкин.

**5-боб. Оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектларда  
ёнгин хавфсизлигига, тез тиббий ёрдам кўрсатишга, эвакуацияга  
ва ҳимоялаш бўйича муҳандислик-техник воситалар билан  
жиҳозлашга қўйиладиган ягона талабларга риоя этилиши  
устидан назорат**

15. Оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектларда ёнгин хавфсизлигига, тез тиббий ёрдам кўрсатишга, эвакуацияга ва ҳимоялаш бўйича муҳандислик-техник воситалар билан жиҳозлашга қўйиладиган ягона талабларга риоя этилиши устидан назорат Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ҳузурида оммавий тадбирлар ўтказилишини назорат қилувчи комиссиялар томонидан таъминланади.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ҳузурида оммавий тадбирлар ўтказилишини назорат қилувчи комиссиялар оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектларда ёнгин хавфсизлигига, тез тиббий ёрдам кўрсатишга, эвакуацияга ва ҳимоялаш бўйича муҳандислик-техник воситалар билан жиҳозлашга қўйиладиган ягона талабларга риоя этилиши устидан назоратни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

**26 (630)-сон**

**— 81 —**

**319-320-моддалар**

**6-боб. Якуний қоида**

17. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.